

# Ифлосланишлар ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири

# Ифлосланишлар

- Ифлосланиш бу ҳаво, ер ва сувнинг физик, кимёвий ёки биологик тузилишининг кўнгилсиз ўзгариши.
- Улар муҳитни ифлосланишини келтириб чиқарадиган ифлослантириш моддаларининг жуда кўп тўпланиши натижасида юзага келади.
- Ифлосланишлар биологик кўрсаткичларга, шу жумладан инсонга ёмон таъсир кўрсатади.

# Ифлосланишлар

- Улар ишлаб чиқариш, ҳаёт шароитларимиз ва анъаналаримиз нуқсонларидир.
- Инсонларнинг фаолиятлари ҳам карбонат ангидрид гази, озон қатламининг камайишига олиб келувчи парник газларини ишлаб чиқариш оқибатида муҳитнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

# Ифлосланиш турлари:

Қуйидаги турларга ажратилиши мумкин:

- ҳодисалар: ҳаво, сув ва ерни ифлослантирувчи сифатида.  
Манбаси: Табиий ҳодисалар (Атмосферага тонналаб заҳарли моддаларни ва маълум моддаларни чиқарувчи вулқон отилиши) ёки антропоген ҳодисалар (саноат ишлаб чиқариш чиқиндилари, қишлоқ хўжалиги муҳитни ифлослантириш ва шу кабилар)
- газлар, маълум моддалар, ҳарорат, радиоактивлик каби табиий физик ифлослантирувчилар. Экотизим нуқтаи назаридан: Биологик парчаланмайдиган ва биологик парчаланадиган моддалар.

# Биологик парчаланмайдиган моддалар

- Пластик бутилкалар, полиэтилен, алюмин банкалари ва шу кабилар биологик парчаланмайдиган моддалар, жуда секин парчаланади ёки табиатда деструкторлар билан парчаланмайди.
- Биологик парчаланмайдиган ифлослантирувчиларни бошқариш қийин ва кўпчилик ҳолларда бу жараёнларни бошқариб бўлмайди.

# Биологик парчаланувчи моддалар

- Маиший чиқиндилар, мол чиқиндилари, оқава сувлар каби ифлослантирувчилар парчаланадиган моддалар ҳисобланади.
- Парчаланадиган микроорганизмли ифлослантирувчиларни табиий жараёнлар билан ёки чиқиндиларни қайта ишлаш заводи каби ташкил қилинган тизимлар ёрдамида бошқариш осон.

# Ифлосланган муҳитнинг инсонга таъсири



# Ўпка, жигар ва буйраклар фаолиятига ёмон таъсир кўрсатади



Кўзлар, бурун ва оғиз ҳамда томоқ  
бўшлиғи яллиғланади.



Йўтал, бронхит каби нафас олиш  
йўлларининг яллиғланиши  
белгилари.



Холсизланиш, бош оғриғи ва бош  
айланишлари.



Юрак – қон томир муаммолари,  
саратон касаллиги, эрта ҳаётдан кўз  
ЮМИШ.



Сув орқали юқадиган касалликлар:  
ич терламаси, гепатит, гастроэнтерит,  
диарея, кўнгил озиши ва қорин  
оғриғи.




# Ифлосланган муҳитнинг ҳайвонларга таъсири.




Кислотали ёмғир (ҳавода юзага келади) балиқлар ва дарёлар ҳаёт фаолиятига ёмон таъсир кўрсатади.




Қуёшнинг ультрабинафша нурли радиацияси баъзи ифлослантирувчи моддалар билан бўшашган атмосфера юқори қисми озон қатламидан ўтиб ерга ортиқча таъсир кўрсатиб тери саратонини ривожлантиради.



Атмосферанинг озон қатламининг  
камайиши ҳайвонлар ўпкаси  
тўқималарига салбий таъсир  
кўрсатиши мумкин.





Озуқа моддалари (азот, фосфат ва шу кабилар) билан ифлослантириш заҳарли сув ўсимликлари пайдо бўлишига олиб келади, бу ўсимликларни сув ҳайвонлари истеъмол қилиши эса уларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин; балиқлар орасида эпидемия пайдо бўлиши натижасида ҳам ифлосланиш содир бўлиши мумкин.

**Нефть маҳсулотлари (кимёвий модданинг бир қисми сифатида) билан ифлослантириш денгиз организмлари ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши, касалликларга таъсирчанлигини ошириши ҳамда репродуктив жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин; бундан ташқари ошқозон-ичак йўли, жигар, буйраклар ва нерв тизимини яллиғланишини ривожлантириши мумкин.**



Сув таркибидаги симоб кўнгилсиз оқибатларга, ўсиш ва ривожланиши секинлашишига, кўпайишнинг қисқаришига ва ўлимга олиб келади.




# Муҳит ифлосланишининг ўсимликларга таъсири.




Кислотали ёмғир дарахтларнинг  
нобуд бўлишига олиб келиши  
мумкин, ўсимликларни вайрон  
қилади, ерни инфилтрлаб экишга  
яроқсиз қилади.




Атмосферанинг юқори қатламларидаги озон тешиги қуёшнинг ультра бинафша радиациясини жуда кўп ўтказиб юбориб, шу билан дарахтлар ва ўсимликларга ёмон таъсир кўрсатишига олиб келади. Озон тешикчаларга тўғри кириб бориб ўсимликлар ҳужайралари чиришига ҳам олиб келиши мумкин.



Экотизимга, унга кирувчи ўсимликларга  
ёмон таъсир кўрсатиб ўсимликларда  
фотосинтез жараёни бузилишига олиб  
келиши мумкин.



Ер ва сув ўсимликлари сувдан  
ифлослантирувчи моддаларни сўриб олиб  
(уларнинг асосий озуқа моддалари каби)  
уларни озиқланиш кетма-кетлиги бўйича  
ҳайвонлар ва инсонларга истеъмол  
қилишлари учун етказди.





**Сувда натрий хлори (ош тузи)  
миқдори жуда кўп бўлганида  
ўсимликлар нобуд бўлиши  
мумкин.**

Қурилиш ривожланганида ўсимликлар  
нобуд бўлиши мумкин, қурилишлар  
дарахтларга, уларнинг баргларига,  
тупроққа ва бошқа ўсимликларга ёмон  
таъсир кўрсатади.

